

Qahramon SOBIROV,*Urgench state university, independent researcher.**s_kahramon@inbox.uz 14, Kh.Olimjon street,**Urgench, 220100, Uzbekistan*

ДРАМАТИК АСАРЛАРДА ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАР

СЛОВА ПЕРЕДАЮЩИЕ РЕЛИГИОЗНЫЙ СМЫСЛ В ДРАМАТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ

THE WORDS THAT GIVES RELIGIOUS SENSE IN DRAMA PRODUCTS

Калит сўзлар: драма, персонаж нутқи, диний тушунча, тарбия, услубий мақсад, ижтимоий ҳаёт, мақол, архаизм, историзм, антоним.

Ключевые слова: драма, речь персонажа, религиозные понятия, воспитание, методическая цель, общественная жизнь, пословица, архаизм, историзм, антоним.

Key words: drama, speech of the character, religious concepts, education, methodical purpose, social life, a proverb, an archaism, a historicism, an antonym.

Кейинги йилларда ўзбек стилистикаси маълум ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, бадиий асар тилини ўрганишнинг бир қатор муаммолари ҳал қилинди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллий тил услубларининг такомиллашувида, халқимиз тил маданиятининг юксалишида ёзувчи ва шоирларнинг ҳиссаси бекиёсдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилшунослигида бадиий асарлар тилини тадқиқ этиш ишлари, асосан, проза ва поэзия асарлари тилини ўрганишга бағишланган бўлиб, драматик асарлар тили ниҳоятда кам ўрганилгандир. Агар профессор Р.Қўнғуровнинг айрим мақолалари, доцентлар Ф.Насриддинов, Б.Турдалиев, Э.Абдиевларнинг номзодлик ишлари, шунингдек, матбуот, журнал ва илмий тўпламларда онда-сонда босиладиган мақолаларни ҳисобга олмаганда, бу соҳада жиддий ва йирикроқ илмий тадқиқотлар кўзга ташланмайди. [17; 28 б., 18; 54 б.] Драма тили бўйича шу вақтгача қилинган ишлар ҳам асосан Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор асарларининг тил хусусиятлари ҳақида, шунингдек, Назир Сафаров, Уйғун драмаларининг тили ҳақидаги қайдлардан иборатдир. Профессор И.Қўчқортоев атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг иборалардан фойдаланиш маҳоратини илмий тадқиқ этар экан, унинг драма-

тик асарлар тилида ибораларнинг қўлланиш хусусиятларига ҳам эътиборни қаратади.

Улуғ ёзувчи Абдулла Қодирийнинг кўрсатишича, ўзбек драматургияси ва театрининг тарихи асосан 1912 йилдан бошланади. [23; 42 б.] Ўша йили Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» драмаси сахнага олиб чиқилган ва ҳақиқий ўзбек театри томошаларига асос солинган эди. Ёзувчининг таъкидига кўра, «Падаркуш» пьесаси «Туркистоннинг умумий деярлик ҳар бир шахрида томошага қўйилиб», ёшларда театр ҳақида маълум тушунча ҳосил қилишга ёрдам берган. Мақола руҳидан маълумки, Абдулла Қодирий ўзбек драматургиясининг ривожланиши истагида қайғуради. Шу муносабат билан сахна асари персонажларининг нутқида диалогнинг аҳамиятини таъкидлайди. Диалог ўрнини монолог эгаллаган ҳолатларни танқид қилади. Шу билан бирга, бунинг аксича бўлган, яъни монолог зарур бўлган ўринларда диалог кетишини ҳам маъқул кўрмайди. Монолог берилмагани учун, асар қаҳрамонининг ички дунёси, қалб изтироблари, ўй-хаёллари очилмай қолишини кўрсатиб ўтади.

Ёзувчи ўша йиллари ўзбек драматургиясида санъатқорона яратилган асарлар йўқлигидан ташвишланиб, афсус билдирар экан, юқоридагидай юзаки ёзилган асарларни сахнага қўйиш «сахна учун жиноят» деган хулосага келади.

Абдулла Қодирий Хуршиднинг «Жадид ва Қадим» драмаси ҳақида тўхталганда ҳам унда тасвир этилган воқеанинг ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ келмаганлигини таъкидлайди. Айниқса, ушбу асарнинг охирида эскиликнинг янгиликни ўлдириши ҳаёт ҳақиқатига мос келмаслигини кўрсатиб, мулоҳаза юритади.

Драматургия адабиётнинг ўзига хос шакли сифатида ўзининг узоқ тарихига эга. Унинг илдизлари халқ фольклори, халқ ўйинларига, айтишувларига бориб тақалади. Драма сўзининг мазмуни «ҳаракат» демакдир. Бу ибора том маъноси билан мазкур жанрнинг ҳаракатдан ва одамларнинг суҳбатлари – диалогдан таркиб топганлигидан далолат беради.

Табиики, бадиий адабиёт ва драматик асарларда эстетик санъат бўлгани учун у инсон-ўқувчи ёки томошабин онгига таъсир ўтказиш, завқ уйғотиш, туйғуларига таъсир этиш, тарбия бериш вазифасини ўтайди. Персонаж нутқини индивидуаллаштириш ҳамда унинг ифода таъсирчанлигини оширишда халқ мақоллари, афоризмлар, ибораларнинг аҳамияти катта. Чунки уларнинг семантик табиати, эстетик хусусияти, пурмаънолилиги, ҳикматга тўлаллиги, халқ иродаси ва тафаккурини акс эттириши персонаж нутқига кўркамлик ва ифодалилиқ, образлилиқ бахш этади. Ушбу ишда

Мақолада ўзбек драматургияси персонажлари нутқида диний тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг ўринли қўлланилиши, уларнинг ўз ўрни ва услубий вазифалари ҳақида фикр юритилган.

Мақолада ҳикматли сўзларнинг персонажлар нутқида жуда катта услубий маъно англатиш воситаси эканлиги, сўз санъати қимматини оширишдаги аҳамияти, персонажлар тилини индивидуаллаштириш, унинг образли ва таъсирчан, ўқувчи эсида қоладиган даражада ифодаларга бойлигини таъминлашга хизмат қилиши тадқиқ этилган. Тарихий-диний сўзлар персонажлар нутқида шунчаки уларнинг тилда мавжудлиги учун қўлланилмайди. Уларни қўллашда маълум услубий мақсадлар кўзда тутилади. Уларни қўллашни нутқий вазиятнинг ўзи тақозо этади. Улар воқеалар жараёни ва сўзловчининг кайфияти, уларнинг воқеликка муносабати ва ўзаро муносабатларига боғланган бўлади. Энг муҳими, тарихийлик назарда тутилган бўлади. Диний тушунча ифодаловчи сўзларнинг нутқдаги антонимлик ҳолатлари ҳам муҳим услубий маънолар ташиydi. Улар ҳоҳ ўз маъносиди, ҳоҳ кўчма маънода бўлсин, нутқий матнга маълум мақсадлар билан олиб кирилади ва улар сўзловчи фикрини тингловчига мантиқан асосли етказишга хизмат қилади, шу билан бирга, унинг руҳий ўзгаришларини ҳам кўшиб ифодалаши мумкин. Диний тушунчалар билан боғлиқ антоним сўзлар ҳам персонаж нутқининг таъсирчан воситаларидан ҳисобланади.

В статье речь идёт об уместном использовании религиозных понятий, их роли и методических задачах. В статье рассматривается роль крылатых выражений в речи персонажей как выразительные средства, в повышении ценности словесного искусства, их значения в индивидуализации речи персонажей, их образного и эмоционального воздействия на читателя. Историко-религиозные слова используются не только в речи персонажей в их речи. Есть некоторые методологические цели, которые относятся к ним. Использование их можно отнести к речевой ситуации. Они связаны процессом событий и настроением говорящего, их отношением к реальности и их отношениями. И самое главное, историчность предусмотрена. Антонимы слов, которые выражают религиозные убеждения, также имеют важное методологическое значение. Являются ли они в их смысле или в переносном смысле, тексты приводятся к их предполагаемому назначению, и они могут разумно передать речь говорящего слушателю, а также могут добавить к его психическим изменениям. Антонимы также являются эффективным средством выражения своей личности с точки зрения религиозных понятий.

In this article the use of religious concepts, their roles and methodical tasks are considered. This article deals with the role of popular expressions in speech of characters as expressive means, to increase the value of verbal art, in individualization of speech of characters, their figurative and emotional influence on the reader. Historical-religious words are not only used in the speech of the characters in their speech. There are some methodological goals that apply to them. The use of them can be attributed to the speech situation. They are bound by the process of the events and the mood of the speaker, their attitudes towards reality and their relationships. And most importantly, the historicity is envisaged. The antonyms of words that express religious convictions also have important methodological meanings. Whether they are in their sense or in a portable sense, the texts are brought to their intended purpose, and they can reasonably convey the speech of the speaker to the listener, and may also add to his mental changes. Antonyms are also an effective means of expressing their personality in terms of religious concepts.

уларнинг персонаж нутқида айрим қўлланиш хусусиятлари ҳам ўрганилди. Бу вазифани ўташда диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, халқ томонидан яратилган «сўз кўрки» – мақоллар, ҳикматли сўзларнинг услубий жиҳатдан ўринли қўлланиши муҳим роль ўйнайди.

Тарихий-диний сўзлар персонажлар нутқида шунчаки уларнинг тилда мавжудлиги учун қўлланилмайди. Уларни қўллашда маълум услубий мақсадлар кўзда тутилади. Уларни қўллашни нутқий вазиятнинг ўзи тақозо этади. Улар воқеалар жараёни ва сўзловчининг кайфияти, уларнинг воқеликка муносабати ва ўзаро муносабатларига боғланган бўлади. Энг муҳими, тарихийлик назарда тутилган бўлади.

Драматик асарларнинг персонажлари нутқида «мухтасиб», «шайхулислом», «дарвиш», «биби отин», «эшон ойим», «қаландар», «қори», «сўфи» каби диний тушунчалар билан боғлиқ, «каниз», «навкар», «тўра», «йўқсил», «девонбеги», «ҳазинадор», «воиз», «сипоҳий», «султон», «шоҳ», «ясовул», «амин», «имом», «муфти», «закотчи», «қарол», «валиахд», «бекларбеги», «бозоргон», «худайчи», «миршаб» ва бошқа турли даврларда кишиларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифаларини ифодаловчи, шунингдек, кийим-кечак, қурол-аслаҳа, жой номлари билан боғлиқ диний-тарихий сўзлар ҳам қўллаб учрайди. Уларнинг ўз ўрни ва услубий вазифалари бор.

Диний тушунча ифодаловчи сўзларнинг персонаж нутқидаги антонимлик ҳолатлари муҳим ус-

лубий маънолар ташийди. Улар ҳоҳ ўз маъносида, ҳоҳ кўчма маънода бўлсин, нуткий матнга маълум мақсадлар билан олиб кирилади ва улар сўзловчи фикрини тингловчига мантиқан асосли етказишга хизмат қилади, шу билан бирга, унинг руҳий ўзгаришларини ҳам кўшиб ифодалаши мумкин [1; 230-232 б.].

Демак, диний тушунчалар билан боғлиқ антоним сўзлар ҳам персонаж нутқининг таъсирчан воситаларидан ҳисобланади. Масалан, «Мирзо Улуғбек» асарининг бош қаҳрамони Улуғбек нутқида қўлланган ҳадис унинг маърифатпарварлик қарашларини мантиқан асослаб кўрсатади [2; 40 б.].

Улуғбек

Ва кўргансиз мадрасанинг нақ пештоқида
Мен ўйдирган шу ҳадиси: «Талабулилм
Фаризатун ало кулли муслиму муслимот».

Улуғбек ушбу монологда аёл зотини улуғлаб сўзлайди. Илм олиш мусулмончиликда муҳим талаб эканлигини таъкидлар экан, бу фақат муслимлардан эмас, балки муслималардан ҳам талаб қилинишини қайд этади. Ҳадисни мадраса пештоқида ўйиб ёздирганини эслатиши эса унинг маърифатпарварлик ишлари сўздагина эмас, балки амалда ҳам эканлигини кўрсатади.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Тухматчилар жазоси» пьесасида домланинг эгри ниятини фош қилишга киришган Фотима унга «сиз иситма-совутмани қилиб бериб турасиз», дейди [6; 232 б.]. «Иситма», «совутма» сўзлари асли кўнгил қўйдириш ва кўнгил қолдириш учун қилинадиган хуруфий илми амаллардир. Аслида, домла ҳам Фотимага эрини совутмокчи ва бунинг амалини қилмокчи бўлганлигини тушунтирган эди. Фотима домлага «иситма-совутмани қилиб турасиз» деганда, биринчидан, киноя қилади, қазноқда, устига тери ёпиб қўйилган домланинг «иситма-совутма» тайёрлаши кулгили, бўлмағур гап. Иккинчидан, шу билан бу иш ўз дардига даво бўлаётгани, яъни эри Қосимжоннинг кўнглига шубҳа солган тухматчиларнинг сирини фош қилаётгани, ўзи уларга «иситма-совутма» тайёрлаётганини киноя йўли билан таъкидлайди. Демак, нутқда бундай ҳолатларда диний ёки хуруфий антоним сўз - коса тагида ним-коса тарзидаги маънога эга бўлади ва персонаж ниятларини таъсирчан ифодалашга хизмат қилади. Антоним сўзлар кўчма маънода қўлланганда, услубда ифода таъсирчанлиги янада кучаяди [7; 224 б.].

«Жаҳаннам» ва «жаннат» сўзлари арабчадан ўзлашган бўлиб, улар руҳнинг у дунёда доимий роҳатда ёки доимий азобда яшаши тасаввур этиладиган дўзах ва беҳишт маъноларини беради. Муқанна босқинчини тергар экан, унинг ўзи ман-

суб динга тегишли антоним сўзларни ишга солади. Жаннат ҳам, жаҳаннам ҳам ўлимдан кейин бўладиган воқелик бўлса, тингловчининг қайсисини сўраса ҳам, ўлимга маҳкумлиги, жазодан қутила олмаслиги маъноси бу мурожаатда қатъий ифодасини топади. Бу ерда сўзловчининг кинояли ғазаби кўриниб туради.

Бу антоним персонаж нутқида янада бошқачароқ маъноларни ҳам ифодалаб келиши мумкин. Масалан, «Жиноят» драмасида Хумор севгилиси Ифтихорнинг иродасизлигидан нолиб, қуйидагича сўзлайди [6; 182 б.]:

Ажаб эмас, тушган бўлсанг ўтга ҳам,
Жаннат бўлиб кўринган жой жаҳаннам
Бўлиб чиққан бўлса, бу ҳам эҳтимол.
Ҳар мақомга мумкин сени ўйнатса,
Жаннат деса, лекин дўзахга отса.

Ушбу нутқ парчасида сўзловчининг эмоционал баҳолаши антоним сўзлар орқали яхши очилган. Бу ерда Ифтихорнинг соддадиллиги, ишонувчанлиги ва ундан ўзига келадиган салбий оқибатлар ҳақида гап боради. «Жаннат» ва «жаҳаннам» антоними биринчи галда қўлланилганда, Хумор Ифтихорнинг ўзи умид қилиб алданган бўлса ажаб эмас, деган нуқтаи назарни ўртага ташлайди. Иккинчи гал қўлланганда, Ифтихорни алдашни бошқалар орқали амалга ошириш муқаррарлигини таъкидлайди. Биринчи гал аниқ, маълум вазиятдаги алданув, иккинчи гал умуман, ҳар қандай вазиятда алданув назарда тутилади. Ҳар икки ҳолда ҳам Хуморнинг соддадил, алданувчан, гўл характери эмоционал баҳоланади. Шу билан бирга, унда сўзловчининг аламли, дардли сўзлаётганлиги ҳам сезилиб туради.

Ифтихорнинг бундай бўшанг табиати ўз нутқи орқали очилишини юқорида «хўжа», «қул» антонимларини қўллашида ҳам кўрган эдик. Бошқа бир ўринда ҳам отасига ўта ишонувчанлигини кўрсатиб, «Боласига ота ёмон соғинмас», «Қарғишини дуо дейман доимо» дея мулоҳаза билдиради. Бу ерда ҳам сўзловчи фикр мантигини ҳамда характер хусусиятини аниқ кўрсатишда нутқда қўлланган антонимлар кучли ифода воситаси сифатида келган. Бир-бирига кескин қарама-қарши тушунчаларни ифодаловчи қарғишни дуо деб билиш ўта итоаткорлик ифодасидир.

Антонимларнинг нутқда турли услубий маъно англатиш хусусияти контекст (матн) билан мустаҳкам боғлиқ. Улар сўзловчининг кайфияти, хоҳиш-истаги, чақириғи, талаби кабиларни ҳам, воқелик тақозосига кўра, хулосалар чиқаришини ҳам, воқеликни, кишиларнинг ҳатти-ҳаракат ва муносабатларини эмоционал баҳолашини ҳам, ғазаб, қувонч, ҳаяжон ва бошқа хил туйғуларини ҳам ифодалаб келиши мумкин. Масалан, «Муқанна»

драмасида бош қаҳрамон душман характерини ва унга қаршилиқ кўрсатмасликнинг оқибати ёмон бўлишини таърифлар экан, унинг нутқида антонимлар маънони аниқ ва ўткир ифодалаш воситаси сифатида қатнашади. [6; 234 б.]

Муқанна

Душманларинг, ожиз бўлсанг сен агар...
Меҳмон бўлиб келиб сенинг уйингга,
Кўкрагингга тепиб кирар тўйингга.
Ҳақоратга кўмар сени у тоза,
Тўй ерида ўқий бошлар жаноза.
Кўмак топмай на осмон ва на ердан,
Фарёд дейсан заиф, ожиз тақдирдан.

Муқаннанинг ушбу нутқида «тўй-жаноза», «ер-осмон» антонимлари сўзловчи фикрининг таъсирчанлигини оширувчи воситага айланган. Тўй ва жаноза инсон ҳис-туйғуларини кўзғовчи икки кутб қадар бир-биридан йирик, бир-бирига мувофиқ келмайдиган зиддиятли тушунчалардир. «Осмон» ва «ер» ҳам бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, бир-биридан узокликда туриши кўзда тутилган тушунчалардир. Ҳар иккаласида ҳам ўзаро зидлик, тесқарилиқ, карама-қаршилиқ мавжуд. Инсоннинг яшаш макони ер усти, осмон остидир. «На ердан, на осмондан» ибораси ҳеч қандай, ҳеч қаердан деган маънони беради. Оғир оқибат маъноси антонимлар асос бўлган ифодаларда образли тасвирлар ҳосил қилиб, улар тингловчида кучли эмоциялар кўзғайди.

«Ўнг-чап» антонимларининг персонаж нутқида услубий маъно ташиши ҳам қизиқарлидир. «Истибод курбонлари» драмаси персонажларидан бири Акбарбой: «Шу бизнинг ўнг кўз, чап кўзимиз бўлиб турган икки нарса – шернинг бири ўзининг мажруҳлиги устига бир палиднинг қўлидан ўқиб ноҳақ турмада ётсин. Мана бири оёқ-қўлидан ажраб, ярим ўлик бўлиб ётсин», дея мулоҳаза юритади. Бу ерда «ўнг-чап кўз» ибораси кўчма маъно ташиб, мардикорларнинг гапга етар, жасоратли, бошчи бўладиган дўстлари маъносини ифодалаб келган ва сўзловчининг нутқида таъсирчанлик, образлилик бахш этган.

Ушбу асарда мардикорлар ҳузурига юртларидан хабар олиб борган Қосимжон атрофга қараб қўйиб: «Буларнинг ичида ўнг, чаплари ким?» дея сўрайди. Бунга жавобан Аҳмаджон: «Буларнинг ҳаммаси ўнг, очиб гапираверинг», дейди. Демак, бу ерда «ўнг-чап» антоними дўст-душман, ишончли-ишончсиз маъноларини ифодалаб, нутқда образлилик, ифодалилик, таъсирчанлик киритган.

Баъзан драматик асарларда бир киши ҳақида икки сўзловчининг икки хил баҳоси антоним сўзлар орқали ифодаланади. Бунда уларнинг воқеликни баҳолашда, ҳаётни тушунишда бир-бирига карама-қарши турувчи кишилар эканлиги маълум

бўлади. Ана шу баҳо уларнинг дунёқарашини, ахлоқий хусусиятларини, ақлий даражаларини ҳам кўрсатади. Масалан, «Мирзо Улуғбек» фожиасида Ғаффор исмли талаба ҳақида сўз кетганда, Сайид Обид уни «бадахлок» деб ҳақоратлайди. Улуғбек эса «хушахлок» деб сифатлайди. Тасвир ва мулоҳазалар жараёнида Улуғбек ҳақ эканлиги маълум бўлади.

Юқоридаги мисоллардан бирида Улуғбек душман «ҳами-йўқми» деб турганлигини айтган ҳолат мавжуд эди. Бу ерда «ҳа» ва «йўқ» сўзлари антонимлашиб, улар орқали зуғум, таҳдид, бўйсунуш ё бўйсунмаслик юзасидан аёвсиз талаб ифода этилган. Бу сўзлар Бек Арслон нутқида кўчма маъно ташиб, итоат ва итоат этмаслик, ризолик-норизолик, қонунга амал қилиш ё амал қилмаслик каби маъноларни билдириб келади. Масалан:

Бек Арслон

Ҳазрат султон буюрган ҳаммага қонун,
Ким «йўқ» деса, уни дарҳол «ҳа» дедирмоққа
Кучимиз ҳам, ўчимиз ҳам кифоя, воллоҳ.

Бу сўзларнинг антонимлик ҳолатида келиши Фируза нутқида ҳам учрайди: «Илтимосга «йўқ» дейман-у, фармонга «майли». Бу ўринда «йўқ» сўзига антоним «ҳа» сўзи ўрнига «майли» сўзи алмашиб келган. Бунинг ҳам ўзига хос услубий маъно жиҳати бор. Аввалги мисолларда «ҳа-йўқ» антонимлари ғоят кескин ҳолатларда, буйруқ, дағдаға, ўчлик маъноларини ташийди. Фируза нутқида эса аёллар нутқида хос майин, назокатли оҳанг олган. Услубий жиҳатдан «ҳа» жавобни қатъийлаштиради, «майли»да юмшоқлик сезилади.

Ушбу асарда Улуғбек онаси билан мунозара чоғида ўз атрофида тўпланган олимларни ҳимоя қилар экан, антоним сўзлар унинг қарашлари ва баҳосини образли аниқликда ифодалайди:

Ҳа, сиз айтган одамларнинг пастдир насаби,
Ақллари жуда баланд...

Ушбу асарда Улуғбекни ҳаётдаги зиддиятлар, одамлар феъли кўп бор ҳаёлга толдирганининг тасвирлари бор. Масалан:

Улуғбек

(чуқур ҳаёлга толиб)

Кўп ғалати замонада яшар эканман,
Қалбимдаги ҳароратни инсонга бериб,
Эвазига олмоқдаман совуқ ғаразлар.

«Оқ» ва «қора» сифатларининг антонимлик хусусияти ҳам персонажлар нутқида кўпгина услубий маъноларни ифодалаб келади. Масалан, Умаржон Исмоиловнинг «Оби ҳаёт» драмаси персонажларидан бири Тожизовур: «Ким қора, ким оқ билмайман. Лекин халқ учун ишлаганларга жонимни берсам дейман», дейди. У ушбу мулоҳазани мисолнинг «қозонга яқин юрсанг, қораси юқар» деган истехзосига қарши айтади. У ҳалолликни, фидойи-

ликни, чинакам ватанпарварликни ва инсонпарварликни канал қазувчиларда ва уларнинг меҳнатида кўради. Мироб эса бу ишга ишончсизлик билан қарайди.

«Рустам» драмасида Ўктам бойга қарши: «...ўғлингиз ўрнига мардикорликка бориб, оқ билан қорани таниб келганмиз», дейди. Бу ўринда «оқ-қора» антоними нутқда ибора ҳосил қилиб, яхши-ёмонни, дўст-душманни ажратганлик, кўзи очилганлик, тушуниб етганлик маъноларини таъсирчан ва образли ифодалашга восита бўлган.

Персонажларнинг шеърӣ нутқларида антоним сўзлар баъзан мисралар бошида ёки охирида келиб, ифодани кучайтиришга хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ижтимоӣ тараққиёт жараёнининг маълум босқичларида архаизм ва историзм бўлган сўзлар яна тилда фаоллашиши ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан, юқоридаги сўзларнинг ҳам, маълум асосларга кўра, яна тилда истеъмолда бўлиш имкониятлари юзага келади. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллиги муносабати билан фуқароларнинг виждон эркинлиги кенг йўлга қўйилди, диний маҳкамалар эркин ишлай бошлади. Демак, бу соҳадаги сўзларнинг манбалари қайта фаолиятдадир.

Шу муносабат билан «вилоят» сўзи ҳақида ҳам тўхталиш мумкин. Чунки бу сўз тилимизда қадимдан бор эди. Масалан:

Улуғбек

Сиз мажлиси руҳонийга фатво тайёрланг.

Самарқанднинг шаҳридан, вилоятидан

Сургун қилиб чиқарамиз уни дафъатан.

«Вилоят» арабчадан ўзлашган сўз, мамлакатнинг пойтахтидан йироқдаги чекка ўлкаси деган тушунчани берувчи атамадир. Бу сўз яқин кунларгача ўзбек тилининг историзмлари қаторида турар эди. Ҳозирги пайтда бу сўз «область» маъносини ифодаловчи атама сифатида қайта фаол қўлланила бошлади.

Юқоридаги мисолда «мажлиси руҳоний» бирикмаси «маҳкамаи шаръият»нинг синоними сифатида қўлланган, «фатво» шариат ва дин қонун-қоидалари асосида руҳонийлар томонидан бирор юридик масала юзасидан чиқариладиган хулоса, қарор ёки бирор ишни шариат нуқтаи назаридан амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма, буйруқ маъносидаги тарихий сўздир. Улар нутқда тарихийликни ифодалашга хизмат қилган.

Шундай қилиб, драматик асарларнинг персонажлари нутқида архаизм ва историзмлар муҳим услубий маъно ташийд. Улар, айниқса, тарихий мавзудаги асарларда тасвирни тарихий аниқликда, персонаж нутқини тарихий ўзига хос ва табиийликда кўрсатади.

Тарихий мавзудаги драматик асарларда домалар ва бошқа дин ҳамда юқори табақа вакилла-

ри тимсолларининг нутқида арабча, форсча сўз ва иборалар, диний сўзлар оралаган ўзига хос «тил» сезилиб туради. Қуйидаги мисолда эса карта ва ошиқ ўйинларига хос сўзлар кўчма маънода қўлланиб, сўзловчининг ниятини аниқлаштириб, таъсирли ва образли қилиб ифодалаш имконини берган.

Ҳасан. ...мана у кандидатлигингиз пулни катта сарф қилиб, беш-ўнта кузурларимизни қўлга олай-олай деб қолди. Мана шу иш бизнинг соққамизга анча халал берадиганга ўхшайди. [4; 81 б.]

Бу мисолда карта ўйинида қўлланадиган кузур сўзи масалани ҳал қиладиган бой-бадавлат, амалдор маъносида, ошиқ ўйинидаги ошиққа отиладиган соққа имконият маъносини англатиб келган.

Баъзан ибора арабча, форсча ёки диний сўз асосида ҳосил этилади. Бунда персонажнинг нутқини индивидуаллаштириш кўзда тутилади. Ҳозир тилимизда «тамоман», «бутунлай» деган сўзлар бор. Тарихда шоҳлар, арбоблар, илм соҳиблари нутқида бу сўзнинг «билкуллия» деган синоними ҳам қўллана эди. Бу сўз арабчадан ўзлашган бўлиб, юқорида қайд этганимиз синонимлари – батамом, тамоман, бутунлай сўзларининг маъноларини англатар, яъни уларга маънодош эди. «Мирзо Улуғбек» фожиасида Улуғбек элнинг тинчлигини ўйлаб, тож-тахтдан воз кечишга қарор қилар экан, шундай дейди:

Қарор қилдим: Амир Темур пойтахтида биз

Унинг бизга мерос қўйган олтин тожини

Бошимиздан билкуллия олиб қўймоққа!

Тилимизда «балли», «баракалло» каби тақсин билдирувчи, «афсус», «таассуф», «оббо» каби афсус билдирувчи сўзлар мавжуд. Ўтмишда олимлар, арбоблар, сарой аҳли орасида бу сўзларнинг «аҳсан», «воасофо» деган синонимлари мавжуд эди. Масалан:

Шайхулислом

Аҳсан сизга, байтингиз хўб, шоир Саккокий,
Фахрияси алалхусус манзур тушубдир.

Дубора бир қайтарилса...

Сайид Обид

Йўк, мавлоно... Мадрасанинг бир талабаси

Мафтун айлаб у тентакни сафсата билан

Олиб қочди. Воасофо! Мен шўрим қурғур!

Кўринадики, бу ерда «аҳсан» баракалло, балли, «воасофо» аттанг, афсус, ҳайҳот деган маъноларни англатади. Бу сўзлар арабчадан ўзлашган.

Бу сўзлар юқоридаги мисолларда персонажларнинг руҳий ҳолатларига ниҳоятда мос ва ўринли танлаб қўлланган. Чунки Шайхулислом Саккокийнинг шеърларидан ғоят таъсирланган, завқ олган, хурсандчилигини, ҳаяжонини ифодалаб, юқоридагича шарафлаш орқали шоирга олқиш билдиради. Сайид Обид эса қизининг уйдан қочиб кетганлигига, ўзига номаълум талаба билан қовушганлигига, уларни ушлаб олмаганлигига чидай олмай,

алам-изтиробга тушади. Ғазаби фарёдга қўшилади. Юқоридаги мисолдаги нидо унинг руҳий ҳолатига тўла мувофиқ келади.

Ҳозир тилимизда фаол қўлланадиган ёв, душман сўзларининг эски ўзбек тилида «ёғий» синоними бор. Тарихий воқеа-ҳодисаларга бағишланган бадиий асарларда, жумладан, драматик асарларда персонажлар нутқида бу сўз душман, ёв, босқинчи маъноларида учрайди ва асарнинг бадиий мантиғига, қаҳрамонлар нутқининг ўша давр тилига мувофиқ келади ва ўқувчи учун ишонарли чиқишини таъминлайди. «Мирзо Улуғбек» фожиасида бу сўз «ёғий», «ёғи» шаклларида келади. Масалан:

П фукаро

Ҳа, келганлар айтиб берди. Қирғин зўр бўлган.

Сағонокда Мирзо ўзи қуршовда қолган.
Бироқ катта баҳодирлик, мардлик кўрсатиб,
Иҳотадан ёриб чиққан, лашкарни тўплаб,
Ёғийларни, фитналарни тору мор қилган...

...

Ур-хо-урхо! Ёғи қочди, ё оллоҳ, урхо!

«Алишер Навоий асарлари луғати»да бу сўзнинг икки маъноси келтирилади: 1. Душман, ёв. 2. Итоатсиз. (7; 213 б.)

Бугунги кунда тилимизда ой тутилиши ибора-си бор. Эски ўзбек тилида бу тушунчани ифодаловчи «хусуф» сўзи ҳам бўлган. Бу сўз форс-тожикчадан ўзлашган, ой тутилиши деган маънони беради. Масалан:

Улуғбек

Кўпдан бери андишам бор хусуф ҳақида.
Сенга маълум, «хусуф» деймиз ой тутилишин.
Ўйлашимча, бунда бордур риёзий қонун:
Чунки лобид ва муайян сабаби бўлмай
Ҳеч воқеа коинотда рўй бермас, ахир.

Бу нутқ парчасида «риёзий», «лобид» сўзлари ҳам архаизмлардир. Ҳар иккаласи ҳам арабчадан ўзлашган: «риёзат» математика фани деган тушунчани, «лобид» ноилоҳ, муқаррар деган маънони билдиради. Бу сўзлар ҳам Улуғбек нутқида фикрни олимона, донишмандона, аниқ ва илмий тушунтириш, мантиқан асосли гапириш нуқтаи назаридан ўринли қўлланган. Архаизмлар услуб нуқтаи назаридан Улуғбек нутқининг илмий мантиғини таъминлашга хизмат қилган.

Архаизмлар ҳам тилнинг қудратидан нишонандир. Персонажлар нутқида қўлланган бундай сўзларни ўқиб, қадимда ҳам тилимиз ифодаларга бой бўлганлигини ҳис этамиз. Масалан, «Мирзо Улуғбек» фожиаси персонажлари нутқида «ифтиро», «ғино», «сабийлик», «сувори», «ҳабис», «авахта» каби кўплаб архаизмлар ишлатилган. «Ифтиро» арабчадан ўзлашган, бўҳтон, тухмат маъносини берувчи сўз. Улуғбек Фируза ҳақдаги маломатлардан

хайрон бўлиб, «ифтироми ё бу гапда бир ҳақиқат бор?» дея ўйга чўмади. «Ғино» ҳам арабчадан ўзлашган, қўшиқ, умуман, хуш оҳангли мусиқа деган маънодаги сўз. Қози Мискин «Ғино ҳаром, уни эшитмоқ гуноҳ!» дер экан, ўзининг мутаассиблик кайфиятини аниқ ифодалайди.

«Сабий» ҳам арабчадан кириб келган сўз, фаҳми ва ёши етилмаган гўдак маъносида. Улуғбек Сайид Обиддан ўғли Аббоснинг қаердалигини суриштирганда, тингловчи жавобда «Аллақачон у сабийлик ёшидан ўтган» дер экан, нутқида ғанимлик, киноя тусини беради. «Сувори» форс-тожикчадан ўзлашган, отлиқ маъносида, «ҳабис» эса арабчадан ўзлашган пасткаш, разил маъносини беради. «Мирзо Улуғбек» асарида баъзи воқеалар Абдуллатифнинг маҳрами Аббос номи атрофида айланади. Абдуллатиф унинг қўли билан кўп конхўрликлар қилади, кўп сирларни пинҳон тутишга муваффақ бўлади. Улуғбек эса уни қўлга тушира олмайди. Тож-тахтдан воз кечиб, узоққа йўл олганда, Аббос унинг жаллоди сифатида яна майдонга чиқади. Бундан ғоят дарғазаб бўлган Улуғбек: «Сен ҳали ҳам тирикмисан, ҳароми, ҳабис!» дейди ва «ҳабис» унинг тилида «ҳароми»дан ҳам кўра кучлироқ ҳақорат бўлиб жаранглайди. Сўзлашув услубига хос бу сўз ҳозирги пайтда архаиклашган.

Араб алифбосида «зер», «забар» белгилари бор. Улар ҳарфлар ост, устидан қўйилиб, маълум товушларни ифода этади. Ана шу сўзлар асосида ҳам ибора ҳосил этилади. Бунда тор-мор қилиш, кунпаякун этиш маъноси англашилади. Масалан:

Сайид Обид

Аълоҳазрат, мен фармойиш сўрайман сиздан,
Йўқса, хўжа дарвешлари югуриб тездан
«Мирзо боғи»н зеру забар қилмагай шу тоб. [6; 36 б.]

Ўзбек тилида «ота рози – худо рози» деган халқ мақоли бор. Бу мақол бошқа халқлар тилида ҳам учрайди. «Паранжи сирларидан бир лавҳа» драмаси персонажларидан бири Ҳайиджон қизга насиҳат қилиб «...ўз каломида хабар берибдики, ота, онанг рози — мен рози», дейди.

Демак, бу мақолнинг пайдо бўлиши диний таълимот ва тарбия манбалари билан ҳам боғлиқ. Ушбу драма персонажларидан бири бўлган Мирза-раим тилидан «эр рози – худо рози» ҳикматли сўзи келтирилади. Кўринадики, сўзловчи юқоридаги халқ мақоли асосида ўз манфаатини кўзловчи янги ҳикматли сўз қўллайди ва бу билан ўз қарашларини маъқулламоқчи бўлади.

Кишининг ўзига боқма, сўзига боқ деганларидай, персонажлар нутқида қўлланилган бундай ҳикматли сўзлар сўзловчининг маънавий савияси, дунёқараши, ҳаётга, кишиларга муносабатини кўрсатиб туради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, диний тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг персонаж нутқидаги антонимлик ва синонимлик ҳолатлари муҳим услубий маънолар ташиб, улар ҳоҳ ўз маъносида, ҳоҳ кўчма маънода бўлсин, нутқий матнга маълум мақсадлар билан олиб кирилади ва улар сўзловчи фикрини тингловчига мантиқан асосли етказишга хизмат қилади, шу билан бирга, унинг руҳий ўзгаришларини ҳам қўшиб ифодалаши мумкин. Демак, диний тушунчалар билан боғлиқ сўзлар персонаж нутқининг таъсирчан воситаларидан ҳисобланади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Rahmatullayev Sh. v.b. O'zbek tilida antonimlarning izohli lug'ati. —T.: O'qituvchi, 1980.
2. Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati. —T.: O'qituvchi, 1978.
3. Shayxzoda. Asarlar. I tom. —T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1969.
4. Shayxzoda. Asarlar. III tom. —T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1972.
5. Qahhor A. Asarlar. IV tom. —T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1988.
6. Niyoziy H.H. Mukammal asarlar to'plami. II tom. —T.: Fan, 1980.
7. Ismailov U. Tanlangan asarlar. —T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1975.
8. Olimjon H. Tanlangan asarlar. II tom. —T.: O'zdvabadiynashr, 1958.
9. Navoiy asarlari lug'ati.—T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1972.
10. Yashin K. Pesalar. —T.: O'zdvbnashr, 1951.
11. O'zbek adabiyoti. III tom. —T.: O'zdvbnashr, 1959.
12. O'zbek xalq maqollari. —T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1978.
13. Abdurahmanov M. O'zbekcha-ruscha aforizmlar lug'ati. —T.: O'qituvchi, 1976.
14. Yariyev B. Yazik poeziy M.Shayxzodi.: avtoref. rand. diss. —T.: 1979.
15. Yoriyev B. Badiiy asar tilini o'rganish. —Termiz: TerDU, 1999.
16. Qo'ng'urov R. v.b. Nutq madaniyati asoslari. I qism. — Samarqand.: SamDU, 1985.
17. Qo'ng'urov R. «Kechirilmas gunohlar» pesasining tili haqida mulohazalar. —Samarqand: SamDU asarlari, yangi seriya, 77-son, - 1958.
18. Qo'ng'urov R. Abdulla Qahhor «Shohi sozana» asarining leksik va stilistik xususiyatlari. —Samarqand: SamDU asarlari, yangi seriya, 1-son, -1958.
19. Qilichev E. Badiiy tasvirning leksik vositalari. —T.: Fan, 1982.
20. Shoabdurahmanov Sh. v.b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. I qism. — T.: O'qituvchi, 1980.
21. Shomaqsudov A. v.b. O'zbek tili stilistikasi. —T.: O'qituvchi, 1983.
22. Tilshunoslik masalalari (to'plam). —T.: Fan, 1978.
23. Qodiriy A. Kichik asarlar. —T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1969. -214 6.